

Г. КИНЖАЕВА

**ТАЛАБАЛАРНИ  
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ  
ИШЛАРНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Г. КИНЖАЕВА**

**ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ-  
МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

**УЎК: 617.5**  
**КБК 41.2**  
**К-51**

**К-51**      **Г.Кинжаева. Талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 60 бет.**

**ISBN 978–9943–4270–3–7**

Ушбу методик қўлланмада талабаларни касбий-педагогик таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш ҳақида фикр юритилади. Унда талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлашда касбий-педагогик фаолият мазмуни, яъни ўқув жараёни ва аудиториядан ташқари тарбиявий тадбирлар ҳамда педагогик амалиёт жараёнида талабаларни маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга тайёрлаш масалалари ёритилган.

Методик қўлланма халқ таълими ходимлари, умумтаълим ҳамда олий таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул мутасаддилар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

**УЎК: 617.5**  
**КБК 41.2**

***Масъул муҳаррир:***

**О.Мусурмонова** – педагогика фанлари доктори, профессор

***Тақризчилар:***

**Ш.Мардонов** – педагогика фанлари доктори, профессор;

**С.Йўлдошева** – педагогика фанлари номзоди, доцент.

***Мазкур методик қўлланма Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий Кенгаш қарорига асосан нашр этилди (2014 йил, 30 январь).***

**ISBN 978–9943–4270–3–7**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.**

---

---

## МУҚАДДИМА

Жамиятни модернизациялаш жараёни кечаётган ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистоннинг келажаги кўп жихатдан миллий кадрларни тайёрлаш, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ўринбосарлар тарбиялаб етказиш масалаларига бевосита боғлиқдир. Айниқса, мамалакатимизнинг эртанги кунини яратувчи ёш авлодга миллий ғоя ва мафкура асосида таълим-тарбия беришни такомиллаштириш ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосан Республикамизда узлуксиз таълим тизими ўзбек моделининг ишлаб чиқиши таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди.

XX аср охирида таълимдаги ўзгаришлар йўналиши бутун дунё бўйича унинг ислоҳ қилиниши тамойилларига мос келади.

1998 йилда Канадада бўлиб ўтган ЮНЕСКО конференциясида таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида таълимни умумжаҳон миқёсида инсонпарварлаштириш, таълим мазмунини экологик ва маданий жихатдан ижтимоийлаштириш каби тамойиллар ҳам назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимда юз бераётган мазкур тамойилларга ҳам эътибор берилган. Унда кадрларни касбий тайёрлаш сифатига катта талаблар қўйилади. Шу мақсадда олий таълим муассасаларида касбга тайёрлаш жараёнини тубдан қайта кўриб чиқилди. Бу борада касбий педагогик жараён ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга ҳозирги глобаллашув жараёнида тарбия сифатини ҳам, жумладан маънавий-маърифий тарбияни юқори даражага кўтариш муҳим ва зарур бўлиб қолмоқда.

Президент И.Каримов «Юксак маънавият—енгилмас куч» асаарида таъкидлаганидек: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада

маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»<sup>1</sup>.

Демак, ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбияси бевосита ўқитувчига боғлиқ экан, бу борада:

- педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш;
- педагогик таълим тизимини миллий анъаналар, замонавий ва хорижий тажрибалар асосида услубий ва мазмунан янгилаш;
- касбий таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- янги иқтисодий, ижтимоий ва маънавий шароитда давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишда педагоглар масъулиятини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Чунки ҳозирги даврда:

- халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашларнинг кучайиб бораётгани;
- ёшларнинг онги ва қалбига турли зарарли ғоя ва мафкураларни сингдиришга бўлаётган хуружлар;
- баъзи ёшларнинг ҳузур-ҳаловатга берилиб, енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилишлари ;
- жамиятда юз бераётган оламшумул воқеа-ҳодисаларга баъзи ёшларнинг бефарқ қарашлари ва лоқайдлик хусусиятларининг пайдо бўлаётгани;
- дин ва ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмайдиган тажрибасиз ёшларнинг огоҳлик ва ҳушёрликни бой бериб, нотўғри йўлларга кириб қолаётгани ва бошқа баъзи ножўя иллатлар вояга етмаган ўсмирлар ва ёшлар томонидан содир этилаётган салбий хатти-ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини таҳлил этиш ва бу борада жиддий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, талабаларни педагогик касбга тайёрлашда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш самарадорлигини оширишни яна бир қарра долзарб этиб қўймоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.4.

Маълумки, бугунги кунда олий таълимнинг педагогик кадрларни тайёрлашдаги ўрни беқиёс. Бу борада, айниқса, олий педагогик муассасалари ўқув режасига киритилган «Педагогика» («Педагогика назарияси ва тарихи», «Педагогик технологиялар», «Педагогик маҳорат»), «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча тамойиллар», «Маънавият асослари» ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилиши бўлажак педагоглар – талабаларнинг маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этишга тайёрлашда катта имкониятлар яратади.

## ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ - ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

XX асрнинг сўнгги йилларда жаҳон миқёсида жиддий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, Ватанимиз тарихида XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб оламшумул воқеалар содир бўлди: мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлади, ривожланишнинг ўзбек модели амалга оширила бошланди. Халқимизнинг ҳуқуқий фуқаролик, демократик жамият қуриш зарурияти одамлар дунёқарашини тубдан янгилаш, эски ақидалардан воз кечиш, истиқлол мафкурасини шакллантириш, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган ҳолда халқ маънавиятини юксалтиришни тақозо этди. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз – миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир»<sup>1</sup>.

Маълумки, инсоният тарихида у ёки бу жамиятнинг ҳар томонлама тараққий этишида инсон камолоти муҳим ўрин эгаллаган. Инсон камолотида эса таълим-тарбия муассасалари ва ундаги етакчи шахс – ўқитувчи-устознинг ўрни доимо муҳим бўлган.

Мустақилликка эришилгач, мамлакатимизда барча соҳалар каби таълим-тарбия борасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Республикамизда таълим тизимининг барча бўғинларида ҳам моддий техника таъминоти ҳам илмий-маърифий жиҳатдан жиддий ўзгаришларга эришилди. Умумтаълим, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари учун янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари яратилди, ахборот-техника воситалари билан таъминландики, булар таълим соҳасини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. 19-бет.

Қисқаси, таълим жараёни жамият ва давлат талаблари асосида янгиланмоқда. Чунончи, сўнгги йилларда таълимни ривожлантиришга қаратилган бир қатор Қонунлар ва Давлат дастурлари қабул қилинди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», 2004 йилга келиб эса «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», шунингдек, «Олий таълим муассасаларида илм-фанни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва дастури» каби ҳужжатлар таълим тараққиётида муҳим воқеа бўлди. Олий таълим муассасаларида илм-фанни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва дастури бир томондан, мутахассислар, илмий ва илмий педагогик кадрлар сифатини ошириш мақсадида илм-фанни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш заруриятидан, иккинчи томондан эса мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда, давлат илмий техника ва фундаментал тадқиқотлар дастурларини амалга оширишда республика олий таълим муассасалари фаолиятини янада ошириш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурда қуйидаги мақсадлар белгилаб берилди:

- узлуксиз таълим тизимини педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш;
- педагогик кадрлар сифатини ошириш, бозор иқтисодиёти ва очик жамият таълим тизимига қайта мослашиш;
- педагогик таълим тизимини миллий анъаналар ва замонавий хорижий тажрибалар асосида услубий ва мазмунан янгилаш;
- касбий таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- янги иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишда педагоглар ролининг ортиши олий таълим педагогик кадрларни ва давлатнинг педагогик интеллектуал салоҳиятини тайёрлашда асосий рол ўйнайди.

Маълумки, юқори малакали педагогик кадрларни тайёрлаш ва ёшларни педагогик фаолиятга жалб этиш учун унинг мақомини ошириш лозим.

Шунингдек, дастурда илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳам белгилаб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- узлуксиз таълим тизимини педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминлаш. Бундай тайёрлов нафақат давлат грантлари бўйича,



балки минтақавий, ҳудудий ва тармоқ бошқарув органлари грантлари асосида олиб борилиши лозим...

– педагог кадрларни тайёрлашни ижтимоий, умуммиллий, психологик-педагогик ва мазмунини такомиллаштириш;

– муҳандис-педагог кадрларни янги технологиялар бўйича тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш;

– педагог кадрлар тайёрлаш тизимида ахборот маданияти даражаси кўтарилишини таъминловчи моддий-техник база ва илмий-услубий назоратни ривожлантириш;

– педагог кадрларни тайёрлаш жараёнига янги ахборот технологияларини жорий этишни йўлга қўйиш, уларни тезкор тайёрлов ва қайта тайёрлов шакллари кенгайтириш (жумладан, таълимнинг масофавий шакли ва очик таълимни ҳар томонлама ривожлантириш);

– ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, интерактив таълим методлари ва усуллари, танқидий фикрлаш асосларининг педагоглар томонидан ўзлаштирилиши ва ўқув жараёнига жорий этилишини йўлга қўйиш;

– устувор йўналишлар бўйича педагог кадрларга бўлган талабни аниқлаш.

Узлуксиз таълимга оид қонунлар ва қонун ости меъёрий ҳужжатларда таълим мазмунини модернизациялашда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ундан ўринли ҳамда унумли фойдаланиш муҳимлиги таъкидланади.

Республикамиз таълим-тарбия, маънавий ривожланиш, илмий салоҳият соҳасида жуда кўп асрлар давомида тўпланган бой ва тарихий, миллий-маънавий, илмий-этник тажрибага эга.

Шарқ халқлари, жумладан, туркий халқлар ҳам ўн асрдан ортиқ вақт давомида ўзининг илмий, маданий, маънавий салоҳияти билан ўзга халқлар маданиятига самарали таъсир кўрсатиб келган. Ўзбекистон мустақиллик йилларида Россия, Германия, Япония, АҚШ, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасида эришган тажрибаларини ижобий тарзда ўрганиб, мамлакатимиз таълим тизимига жорий этиб келмоқда.

Яратилган тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг деярли барчасида асосан ўқитувчининг одоби, ахлоқи, унинг таълим-тарбиядаги ўрни ҳақида фикр юритилади, аммо педагогнинг маънавий-маърифий ишлари ташкил этишга тайёрлаш масаласи четлаб ўтилади, маънавий-маърифий тарбияга қўйиладиган



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/91> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/91> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/91>